

---

## Туман ҳокими ўзига бириктирилган шароити энг оғир оиласар ҳолидан хабар олди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида куни кечаси, 11 сентябр куни маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, камбағал оиласар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимиздаги 14 минг раҳбарнинг ҳар бирига 5 тадан шароити энг оғир оила бириктирилиши белгиланди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашев ўзига бириктирилган эҳтиёжманд ва камбағал оиласар ҳолидан хабар олиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турмуш шароитларини яқиндан ўрганмоқда.

Хусусан, туман раҳбари бугун Пасткиқўриқ маҳалласида яшовчи Муслимахон Ғофурова ва Ҳаётхон Матисаевалар хонадонида бўлиб, оиласар ижтимоий аҳволи билан атрофлича танишди.

Хонадон эгалари билан мулоқотларда уларнинг касб кўникмалари, қизиқишлири ўрганилди ва ушбу оиласарни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал чора-тадбирлар белгиланди.

2024-09-13 15:29:34